

Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Бог'от тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Бог'от тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Бог'от шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» март

№ 468 и

Бог'от шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Тажиева Сайёра  
Хамроевнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Бог'от тумани “Тозабозор” маҳалласида яшовчи фуқаро Тажиева Сайёра Хамроевнинг “Тозабозор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 29 январдаги ХО-Т-271-сонли аризасини, “Тозабозор” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Бог'от туман филиалининг 2019 йил 17 майдаги № 5044-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**


1. Бог'от тумани “Тозабозор” маҳалласида жойлашган 6 (олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 73,47 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 87,47 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 160,94 квадрат метр, қурилиш ости майдони 249,57 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1426,5 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 126,5 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Тажиева Сайёра Хамроевга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Тажиева Сайёра Хамроевнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан куриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганга шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 126,5 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Тажиева Сайёра Хамроевнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**